

VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ *(фермер ва дехқон хўжаликларисиз)*

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва дехқон хўжаликларисиз) 22102 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётгандарни сони 20961тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,8 % ини ташкил қилди.


Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Наманган шаҳрида (38,0 %), Чуст (8,0 %), Наманган (7,0 %) ва Тўракўрғон (6,1 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг худудлар бўйича тақсимланиши (2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да

Наманган вилояти	22102	100,0	20961	100,0
<i>туманлар:</i>				
Наманган ш	8561	38,7	7969	38,0
Мингбулоқ	875	3,9	868	4,1
Косонсој	1273	5,7	1228	5,8
Наманган т	1555	7,0	1485	7,0
Норин	891	4,0	897	4,2
Поп	1191	5,3	1115	5,3
Тўракўрғон	1369	6,1	1284	6,1
Уйчи	1300	5,8	1287	6,1
Учқўрғон	1093	4,9	1066	5,0
Чортоқ	1121	5,0	1076	5,1
Чуст	1795	8,1	1695	8,0
Янгиқўрғон	1078	4,8	1021	4,8

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, %




Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 24,2 %), саноат (19,5 %), қурилиш (7,4 %), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (7,3%) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Жами	22102	100,0	20961	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	1614	7,3	1533	7,3
саноат	4327	19,5	4186	19,0
қурилиш	1633	7,4	1505	7,2
савдо	5344	24,2	4891	23,3
ташиш ва сақлаш	792	3,6	763	3,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	894	4,0	833	4,0

	Рүйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
ахборот ва алоқа	344	1,5	320	1,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	503	2,3	493	2,3
бошқа турлари	6651	30,0	6437	30,7

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %




Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 94,8 % ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 5,2 % ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққослаганда ўзгаришсиз қолган.

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонидаги фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиясизлар улуши, %


2018 йил 1 январьхолатига.

2018 йил 1 октябрь ҳолатига




2018 йил 1 октябрь ҳолатига 17003 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 5656 та, оилавий корхоналар – 312 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 10198 та, акциядорлик жамиятлари – 29 тани ва 808 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда




2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига жами 2530 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 21,1 % кўпроқ. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (873 та), Чуст (195 та), Уйчи (180 та), Тўракўрон (161 та) ва Наманган (154 та) туманларига тўғри келади. Энг ками эса Косонсой (131 та), Поп (132 та), Чорток (134 та) туманларига тўғри келади.

Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони, бирлиқда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 20,7 %, саноатда 27,9 %, қурилишда 6,6 % ва қишлоқ ва ўрмон хўжалигига 9,4 % ни ташкил этади.

Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %



2018 йил 1 октябрь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 16898 тадан ортиқни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йил шу даврига нисбатан 4,9 % га ошган.


Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 6886 таси (жами субъектларнинг 40,8 %) Наманган шаҳрига, 1370 таси (8,1 %) Чуст, 1259 таси (7,4 %) Наманган ҳамда 1030 таси (6,0 %) Уйчи туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 622 таси (3,7 %) Норин, 635 таси (3,8 %) Мингбулоқ, 779 таси (4,6 %) Поп, 787 таси (4,7 %) Учқўрғон туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
ҳудудлар бўйича сони**

	2017 йил 1 октябрь ҳолатига		2018 йил 1 октябрь ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Наманган вилояти	16094	100,0	16898	100,0
Наманган ш	7045	43,7	6886	40,7
Мингбулоқ	565	3,5	635	3,4
Косонсой	826	5,1	970	5,7
Наманган т	1182	7,3	1259	7,4
Норин	533	3,3	622	3,7
Поп	772	4,8	779	4,6
Тўракўрғон	943	5,9	1004	5,9
Уйчи	868	5,4	1030	6,0
Учқўрғон	750	4,7	787	4,7
Чорток	708	4,4	825	4,9
Чуст	1254	7,8	1370	8,1
Янгиқўрғон	648	4,0	731	4,3

Фаолият кўрсатаётган жами 16898 дан ортиқ кичик тадбиркорлик субъектларининг 4865 таси (28,7 %) – савдода, 4152 таси (24,5 %) - саноатда, 1501 таси (8,9 %) - қурилишда, 1516 таси (9,0 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига, 830 таси (4,9 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 753 таси (4,5 %) - ташиш ва сақлашда, 301 таси(1,8 %) - ахборот ва алоқа соҳасида, 398 таси (2,4 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, шунингдек 2582 таси (15,3%) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %




Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олингандарнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда. Жумладан, 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига Наманган вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 6,2 % ни (1042 та) ташкил қилган, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45 тага ўсган.

Ҳисобот даврида 1505 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 195 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 12,9 %) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар. 2018 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитали иштирокидаги корхоналар сони 36 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 тага ёки 31,9 % га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 88 таси қўшма корхоналар, 36 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги
корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва
хорижий корхоналарнинг сони, бирликда**



Хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг асосий қисми Намангандан шаҳар 48 та (38,7 %), Уйчи 11 та (8,9 %), Косонсой ва Чортот 10 та (8,0 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштироқида ташкил этилган корхоналар Мингбулоқ 2 та (1,6 %), Учқўрғон 4 та (3,2 %), Норин ва Янгиқўрғон 5 та (4,0%) ва Намангандан 6 та (4,8 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвеститциялар жалбетиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши
(2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан % да
Наманган вилояти	124	100,0
<i>туманлар:</i>		
Наманган ш	48	38,7
Мингбулоқ	2	1,6
Косонсой	10	8,0
Наманган т	6	4,8
Норин	5	4,0
Поп	8	6,4
Тўракўрғон	8	6,4
Уйчи	11	8,9
Учқўрғон	4	3,2
Чорток	10	8,0
Чуст	7	5,6
Янгиқўрғон	5	4,0

Фаолият кўрсатаётган 124 та хорижий капитал иштироқидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 86 таси (69,3 %) саноат, 13 таси (10,5 %) савдо, 3 таси(2,4 %) яашаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 6 таси (4,8 %) қишлоқ, ўрмонва балиқ хўжалигига, 1 таси (0,8 %) ташиб ва сақлашда, 1таси (0,8 %) ахборотва алоқада, 5 таси (4,0 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 9 таси (7,3 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши**

(2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига)

	бирлик	Жамига нисбатан % да
Жами	124	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	6	4,8
саноат	86	69,3
савдо	13	10,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш		
	5	4,0
ташиб ва саклаш	1	0,8
яашаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3	2,4
ахборот ва алоқа	1	0,8
бошқа турлари	9	7,3

2018 йилнинг январь-сентябрь ойида хорижий капитал иштироқидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 29 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22 тага кўпайган ёки 4,1 баробарга ошган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштироқида – 29 та, Туркия Республикаси – 13 та, Қозогистон Республикаси – 4 та, Хитой Халқ Республикаси- 26 та ва Корея Республикаси – 17 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 29 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳри (8 та), Косонсой ва Чорток (4 та), Норин, Тўрақўрғон, Уйчи ва Чуст (2 та) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Хорижий капитал иштироқидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган вилоятлар қаторига Мингбулоқ, Наманган, Поп, Учқўрғон ва Янгиқўрғон (1 та) туманларини киритиш мумкин.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
ҳудудлар кесимидағи сони ва улуши**

	бирлик	Жамига нисбатан % да
Наманган вилояти	29	100,0
<i>туманлар:</i>		
Наманган ш	8	27,6
Мингбулоқ	1	3,4
Косонсой	4	13,8
Наманган т	1	3,4
Норин	2	6,9
Поп	1	3,4
Тўракўрғон	2	6,9
Уйчи	2	
Учқўрғон	1	3,4
Чорток	4	13,8
Чуст	2	6,9
Янгиқўрғон	1	3,4

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича қўрадиган бўлсак, асосан саноатда 16 та, савдода 5 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 5 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, бирликда**



Оилавий корхоналар. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2018 йил 1 октябрь ҳолатига 317 тани ташкил этиб, улардан 312 таси ёки 98,4 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг умумий сонига нисбатан ўртacha 33,2 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.